

## **Леся Українка таваллудининг 145 йиллиги нишонланди**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида “Славутич” украин миллий маданий маркази билан ҳамкорликда украин адабиётининг йирик вакили, шоира ва ёзувчи Леся Українка таваллудининг 145 йиллигига багишланган адабий-бадиий кечада ўтказилди. Унда сўз олганлар шоира ижодидаги инсонпарварлик гоялари, садоқат, меҳр-оқибат, юрга бўлган муҳаббат туйгулари тарануми барча даврларда ҳам ўз муҳимлигини йўқотмаслигини таъкидлашди.

Анжуマンда шоиранинг ҳаёти ҳақида ҳужжатли фильм намойиш этилди. Сўнг Украина миллий маданият маркази томонидан тайёрланган бадиий қисмда шоира қаламига мансуб шеърлар ўқилди, турли мусиқий чиқишилар қилинди.

Леся Українка 1871 йил 25 февраль санасида Новгород-Волинский, ҳозирги Житомир вилоятида туғилган. Унинг илк шеърлар тўплами «Қўшиқлар қанотида» 1893 йилда нашр этилган. Кейинчалик «Ўйлар ва орзуладар» (1899), «Акс-садолар» (1902) тўпламлари ҳам чоп қилинган.

Леся Українка «Ой афсонаси» (1892), «Роберт Брюс, Шотланд қироли» (1893), «Асир» (1903), «Оппокина Изольда» (1912) каби достонлар, «Мовий гул» (1896) «Куз эртаги», «Магораларда» (1906) ,«Кассандра» (1908), «Тош хўжайин» (1912), «Ўрмон қўшиги» (1912) сингари драмалари муаллифи. «Ўрмон қўшиги» драмаси асосида опера, балет ва кино асарлари яратилган. Шунингдек «Денгиз узра» (1898), «Дўстлик» (1905), «Хато» (1906) каби насрий асарлар ёзган.

Унинг шеърларини Миртемир, Зулфияхоним, Уйгун, Эркин Воҳидов ва бошқа шоирлар маҳорат била ўзбек тилига таржима қилган.